

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**894 Кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон Фармонини бажариш юзасидан, кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва кам таъминланган оилаларга микромолиявий хизматлар кўрсатишни назарда тутадиган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда «Микрокредитбанк» АТБ деб аталади) қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларига микромолиявий ёрдам кўрсатиш, бошланғич капитални шакллантириш учун кредит бериш, оилавий тадбиркорлик, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти, касаначилик, хунармандчилик ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш;

кам таъминланган оилалар даромадини оширишга қаратилган дастурларни молиялаштириш, ишга жойлашмаган аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш;

аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишни кўзда тутувчи лойиҳаларни молиялаштириш, янги иш ўринлари ташкил қилаётган корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан уларга технологик жиҳозлаш ва модернизациялаш учун замонавий ускуналар ва мини-технологиялар харид қилишга кредитлар бериш;

халқаро ва хорижий молия институтлари ҳамда ташкилотлари билан, шу жумладан кредит линиялари ва инвестицияларни жалб этиш мақсадида тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3066-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан «Микрокредитбанк» АТБни қўшимча капиталлаштириш мақсадида

30,0 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2018 йилдан бошлаб, «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталини ҳар йили ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

4. Қуйидагилар:

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Кузатов кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

фаолиятини бошлаётган тадбиркорлар учун микромолиявий хизматлардан фойдаланиш жойлари, уларнинг кўлами ва ҳажмларини кенгайтириш бўйича 2017 — 2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Микрокредитбанк» АТБ Кузатов кенгаши ва бошқаруви банк бошқарув тизимини такомиллаштириш ва филиалларини жойлаштиришни оптималлаштиришни ҳисобга олиб ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида унинг ролини тубдан оширишни таъминлайдиган банк фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиққан ҳолда, «Микрокредитбанк» АТБнинг янгиланган тузилмасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

6. «Микрокредитбанк» АТБ қонун ҳужжатларида белгиланган қатъий ҳажм доирасида хайрия учун ҳар йилги харажатлар амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» АТБга 2017-2018 йилларда оммавий ахборот воситаларида аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида тўлов ундирмасдан микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ фаолиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 28-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 август,
655-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 августдаги 655-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгашининг
ТАРКИБИ**

- А.А. Хаитов — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, *Кузатув кенгаши раиси*
- А.Я. Ҳайдаров — Молия вазирининг биринчи ўринбосари, *Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари*
- Т.А. Ишметов — Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари
- А.Ж. Ортиқов — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
- У.У. Бўтаев — Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари
- Р.К. Қосимов — «Асака» АТБ раисининг биринчи ўринбосари
- А.Ё. Абдуллаев — «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош менежери
- Б.И. Очиллов — «Искандар бобо» фермер хўжалиги раҳбари (Бухоро вилояти Жондор тумани)
- Н.Д. Худойбергенов — «Душамбой Иброҳим» фермер хўжалиги раҳбари (Хоразм вилояти Шовот тумани).

Изоҳ: Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли вазифаларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 августдаги 655-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Фаолиятини бошлаётган тадбиркорлар учун микромолиявий хизматлардан фойдаланиш жойлари,
уларнинг қўлами ва ҳажмларини кенгайтириш бўйича 2017 — 2020 йилларга мўлжалланган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Микромолиявий хизматлар ҳажмини кўпайтириш				
1.1. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ўқув муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти, касаначилик, ҳунармандчилик ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш				
1.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга бошланғич капитални шакллантириш учун микрокредитлар ажратиш.	Ташкил этилганига 6 ойдан ошмаган тадбиркорлик субъектларига 24 ойгача микрокредитлар ажратиш: юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача; микрофирмалар ва деҳқон хўжаликларига (юридик шахс мақомига эга), кам таъминланган оилалар ва ўқув муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Савдо-саноат палатаси
2.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга ўз фаолиятини кенгайтириш учун микрокредитлар ажратиш.	Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун янги иш ўринлари яратиш шарти билан 24 ойгача энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача бериладиган микрокредитлар ҳажмини кўпайтириш.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Савдо-саноат палатаси
3.	Ўқув муассасаларининг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчиларининг «Start-up» лойиҳаларини амалга оширишини қўллаб-қувватлаш.	Олий ўқув муассасалари ва коллежлар битирувчилари — «Start-up ҳафталиклари» дастури доирасида тақдим этилган ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «bisnes.mehnat.uz.» сайтида жойлаштирилган истиқболли лойиҳалар муаллифлари учун микрокредитлар ажратиш.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
4.	Ўқув муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун микрокредитларни кўпайтириш.	Олий ўқув муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчиларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «college.mehnat.uz.» ва «otm.mehnat.uz.» сайтлари қўмағида микрокредитлар ажратиш.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
5.	Ўқув муассасалари битирувчиларига ажратиладиган микрокредитларни мониторинг қилиш ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самардорлигини таъминлашни такомиллаштириш.	«college.mehnat.uz» ва «otm.mehnat.uz» сайтларининг ахборот базасини бирлаштириш чораларини кўриш.	2017 йилнинг IV чораги	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
6.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга биргаликдаги жавобгарлик (гуруҳ кафолати) асосида микрокредитлар ажратиш.	Илғор жаҳон тажрибасига мувофиқ биргаликдаги жавобгарлик асосида микрокредитлар ажратиш, жумладан: 3 — 5 кишидан иборат гуруҳ ташкил этилганидан қатъи назар, биргаликдаги жавобгарлик асосида кафолат таъминотисиз кредит ажратиш; гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бир йилгача энг кам ойлик иш ҳақининг 15 бараваригача бир хил миқдорда микрокредит ажратиш.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси
7.	Хунармандлик фаолиятини ташкил этиш учун микромолиявий хизматларни кенгайтириш.	Миллий матолар (адрес, атлас ва бошқалар), миллий пойабзал, дўппи, ёғоч буюмлар тайёрлаш йўналишларида фаолият кўрсатаётган хунармандчилик устахоналарини жиҳозлаш учун тегишли ускуналар харид қилиш, шунингдек хунармандларнинг бозорлар ва савдо расталаридаги савдо қилиш жойларини таъмирлаш учун хунармандчиликни ривожлантиришга микромолиявий хизматлар кўрсатиш.	2017 — 2020 йиллар	Тижорат банклари, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
8.	Касаначиликни ривожлантириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш.	Йирик саноат корхоналари, давлат улушига эга компаниялар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг буюртмаларини бажарадиган, уйда тикувчилик, атторлик, пиллачилик, мебель, электроника маҳсулотлари, шу жумладан телекоммуникациялар ва сервис хизматлари кўрсатиш учун зарур ускуна ҳамда асбоблар тўплами ишлаб чиқарадиган, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган касаначиларни ускуна, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш учун кредит ажратиш механизмини яратиш.	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
1.2. Кам таъминланган оилалар ва айрим тоифадаги шахслар бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш				
9.	Меҳнат органлари билан ҳамкорликда оилалар даромадини кўпайтириш ва уларнинг кам таъминланганлик даражасидан чиқishi бўйича алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар учун қуйидагиларни амалга ошириш орқали алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш: кам таъминланган оилаларни микрокредитлар билан кафолатли таъминлаш учун бериладиган сугурта полислари бўйича I фойзгача сугурта мукофоти ундиришни амалиётга жорий қилиш;	2017 йил III чорак	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, сугурта компаниялари, Молия вазирлиги, «Микрокредитбанк» АТБ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		уй-жой шaroитларини яхшилаш учун истеъмол кредитлари ажратиш.		
10.	Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш орқали кам таъминланган oilалар аъзоларининг бандлигини таъминлаш учун уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш.	Аҳолига, биринчи навбатда, кам таъминланган oilаларга шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш.	2017 — 2020 йиллар	Тижорат банклари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
11.	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, шу жумладан муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган қатламларини, меҳнат мигрантлари, чекка қишлоқ жойларида яшайдиган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш.	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини ошириш, жумладан: Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда асосан қишлоқ жойлардаги олис аҳоли пунктларида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида; муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «military.mehnat.uz» сайти ахбороти бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун; озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган ва зарарли таъсирларга берилмаган фуқаролар учун.	2017 — 2020 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари, Хотин-қизлар қўмитаси
12.	Замонавий мини-технологияларни жорий қилиш асосида қишлоқ жойларда иш ўринлари яратиш лойиҳаларини молиялаштириш.	Қишлоқ жойларда янги мини-технологияларни жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш, жумладан: куёш панеллари (батареялари); сув иситгич куёш қурилмалари; сизот сувларни чиқариш учун сув насосларини ўрнатиш; кам қувватли технологик ускуналар (мотоблок, минитехника, бошқа боғдорчилик техникаси).	2017 — 2020 йиллар	Тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси
II. Аҳоли бандлигини таъминлаш механизмини яратиш				
2.1 Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларга микромолиялаштириш таркибий қисмларини жорий этиш				
13.	Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида республиканинг аҳоли яшаш жойларини банк хизматлари билан қамраб олишни кенгайтириш.	Кам таъминланган oilаларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш. Тижорат банклари томонидан кам таъминланган oilалар аъзоларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун молиявий ёрдамни мақсадли тақсимлашни ташкил этиш.	2017 йил III чорак	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари
14.	Тадбиркорлик фаолиятининг асослари, бизнес-режалар тузиш, ушбу соҳадаги қонунчилик бўйича ўқув курслари ташкил этиш.	Жойларда тадбиркорлик соҳасидаги шaroитлар ва қонунчиликни, бизнес-режа тузиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун тижорат банкларининг микрокредитларини олиш шартлари ва механизмларини тако-	2017 йил IV чорак	Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
		миллаштириш масалалари бўйича икки ҳафталик семинарлар ташкил қилиш.		
15.	Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда банк хизматларининг роли ва иштирокини кенгайтириш.	<p>Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда банк хизматларининг аҳамияти ва ролини ошириш, иштирокини кенгайтириш бўйича янги механизмни яратиш, жумладан:</p> <p>«Маҳалла» жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича яратилаётган тизимда тижорат банкларининг иштирок этиши;</p> <p>микрокредитлар ажратиш механизми доирасида тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлганлар учун банк филиалларида икки кунлик курслар ташкил қилиш;</p> <p>бандликка қўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ва мутахассислиги бўйича иш топа олмаган фуқароларни тадбиркорлик билан шугулланишини қўллаб-қувватлаш;</p> <p>жамоатчилик вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг аъзолари иштирокида кредит олган тадбиркорлар фаолиятини қийин таҳлил ва мониторинг қилиш механизмини яратиш.</p>	<p>2017 йил IV чорак</p> <p>2018 йил I чорак</p> <p>2017 — 2020 йиллар</p> <p>2018 йил I чорак</p>	Тижорат банклари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси
16.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва «Микрокредитбанк» АТБнинг ягона ахборот-коммуникация базасини ташкил қилиш.	<p>«Микрокредитбанк» АТБ ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида кредит бериш бўйича электрон ахборот алмашиш базасини ташкил этиш.</p> <p>«Микрокредитбанк» АТБнинг аҳоли бандлигини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича марказлаштирилган Call-марказини ташкил қилиш.</p>	2017 йил III чорак	«Микрокредитбанк» АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
17.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Микрокредитбанк» АТБ ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Микрокредитбанк» АТБ ўртасидаги ташкилий ҳамкорликни куйидаги вазибаларни амалга ошириш орқали кучайтириш:</p> <p>норматив ҳужжатлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун вазирликлар ва банклар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этишни амалиётга жорий қилиш;</p> <p>зарур ҳолларда, банк ташкилий тузилмасини ўзгартириш, ишга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, банк тармоғи ходимлари меҳнатининг самарадорлик кўрсаткичлари тамойили бўйича (KPI) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга босқичма-босқич ўтишга доир тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>2017 йил III чорак</p> <p>2017 — 2020 йиллар</p>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Микрокредитбанк» АТБ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъул ижрочилар
2.2 Аҳоли кенг қатламлари ўртасида аҳоли бандлигини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳақида тушунтириш ишларини ўтказиш				
18.	Ахборот материаллари базасини шакллантириш.	<p>Бандликка қўмаклашиш марказлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қуйидаги ахборот материалларини жойлаштириш:</p> <p>микромолиявий хизматлар турлари ва механизмлари тўғрисида стандартлаштирилган кўргазмали қўлланмалар, тадбиркорлик фаолияти йўналишлари бўйича кредит олиш учун зарур ҳужжатлар намуналари;</p> <p>бизнес-режалар намуналари, зарур ва ихчам ускуналар, уларни маҳаллий етказиб берувчилар ёки дилерлар ҳақида ахборот;</p> <p>хом ашё турларини етказиб берувчилар ва турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари тайёр маҳсулотларининг истеъмолчи ташкилотлари тўғрисида ахборот;</p> <p>тижорат банклари мутахассисларининг аҳоли билан учрашувлари жадваллари, боғланиш учун маълумотлар, микрокредит шартлари (буклетлар), саволнома нусхалари;</p> <p>муайян туманда транспорт хизматлари кўрсатадиган ташкилот ҳақида маълумотлар.</p>	2017 йил IV чорак	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси
19.	Аҳоли ўртасида бандликни таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кенг ёритиш.	<p>Аҳоли бандлигини таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали ёритиш:</p> <p>жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқтирадиган учрашув ва семинарлар ташкил этиш;</p> <p>Миллий телерадиокомпания каналларида, хусусан, «Маҳалла» каналида микромолия хизматлари ҳақида реклама ва телекўрсатувлари тайёрлаш;</p> <p>шаҳар ва туманларнинг одамлар гавжум бўладиган марказий жойларида, жамоат транспорти, савдо муассасаларида имтиёзли микрокредитларга эътиборни жалб қиладиган реклама материалларини жойлаштириш;</p> <p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда тижорат банкларининг веб-сайтларида микрокредитлар афзалликларини батафсил ёритиш.</p>	2017 — 2020 йиллар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
20.	Тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини сотиш шохобчаларини ташкил этиш.	Ўқув муассасаларининг микрокредитлар олган битирувчилари, онлавий тадбиркорлар, касаначилар, хунармандлар, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларининг товар ва хизматлари сотишини мақсадли қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш.	2017 — 2020 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
21.	Микрокредитлар ажратиш тизимига аҳолининг эътиборини кенг жалб қилишни рағбатлантириш.	Микрокредитлар ажратиш тизимига аҳолининг эътиборини кенг жалб қилиш мақсадида кўрик-танловлар, хусусан, «Микромолиялаштириш тизимида энг фаол мижоз», «Микромолиялаштириш тизимида энг фаол маҳалла фуқаролар йиғини», «Бандликка кўмаклашувчи энг яхши марказ», «Банкнинг энг яхши бўлими» кўрик-танловларини ўтказиш ва голибларни тантанали тақдирлаш.	2018 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
III. Банк фаолияти самарадорлигини ошириш учун ресурсларни ва моддий-техник базани кенгайтириш чораларини кўриш				
22.	Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун ресурс базасини мустаҳкамлаш.	«Микрокредитбанк» АТБ ресурс базасини куйидагиларни амалга ошириш орқали мустаҳкамлаш: янги жозибador омонат турларини жорий этиш ҳисобидан банк депозит базасини мунтазам кенгайтириш; юримдик шахслар депозитларини жалб этиш ишларини амалга ошириш; банк устав капиталини Молия вазирлиги ва Марказий банк маблағлари ҳисобидан ҳар йили 10 фоизга ошириш бўйича зарур чоралар кўриш.	2017 — 2019 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Молия вазирлиги, Марказий банк
23.	«Микрокредитбанк» АТБнинг ташкилий тузилмаси ва филиаллари тармогини оптималлаштириш.	«Микрокредитбанк» АТБнинг, жумладан, куйидагиларни кўзда тутувчи янгиланган тузилмасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш: «Микрокредитбанк» АТБнинг 14 та филиали негизда замонавий ва қулай мини-банклар ташкил этиш; банкнинг зарар кўриб ишлаётган филиалларининг молиявий аҳолини касса хизматларини вақтинчалик тўхтатиш орқали яхшилаш.	2017 йил 1 ноябрь	«Микрокредитбанк» АТБ
24.	Банкнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиявий барқарорлигини яхшилаш.	Берилган имтиёзлар туфайли бўшаган маблағлар ҳисобидан банкнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир уч йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкга берилган имтиёзлар туфайли бўшаган маблағлардан фойдаланиш бўйича йиллик ҳисоботни ҳар йили тақдим этиш.	2017 йил III чорак Ҳар йили март ойда	«Микрокредитбанк» АТБ
25.	Банк активлари сифатини яхшилаш.	Суднинг узоқ вақт ижроси таъминланган қарорларини бажариш ва «Микрокредитбанк» АТБнинг қайтарилмаган кредит қарзларини ундиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан амалий ёрдам кўрсатиш.	Доимий асосда	«Микрокредитбанк» АТБ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
26.	Кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш ва ўтказиш.	<p>Микромолиялаштириш соҳасининг янги йўналишлари ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали дастурларини ишлаб чиқишни инobatга олган ҳолда банк ходимлари малакасини ошириш, жумладан:</p> <p>микромолиялаштириш соҳасида хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш дастурини ишлаб чиқиш;</p> <p>Бутунжаҳон микромолиялаштириш маркази билан алоқаларни кенгайтириш, хусусан, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;</p> <p>Кадрлар тайёрлаш учун халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, БМТ Тараққиёт дастури, Бутунжаҳон микромолиялаштириш марказининг техник кўмаги ва грантларини жалб этиш;</p> <p>«Микрокредитбанк» АТБнинг кредит инспекторлари ва ходимлари учун микрокредитлар ажратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича тренинглар ташкил этиш.</p>	2017 — 2020 йиллар	«Микрокредитбанк» АТБ, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Банк-молия академияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 августдаги 655-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк»
акциядорлик-тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва
унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари
тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин».

2. 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Иловада:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Кичик тадбиркорликни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш учун шароитлар яратиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали кам таъминланган оилалар даромадларини ошириш, аҳоли кенг қатламларининг, жумладан қишлоқ жойлардагиларнинг, молиявий ресурслардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматларини кўрсатиш.

Микрокредитлар улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича:

дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш;

тадбиркорликни ривожлантириш (кенгайтириш), шу жумладан технологик жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадида замонавий ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш, шунингдек айланма маблағларни қўпайтириш учун берилади»;

б) 3-банднинг учинчи хатбошидаги («юридик шахс мақомига эга») сўзларидан кейин «кам таъминланган оилалар аъзолари ва ёшларга тадбиркорлик фаолияти, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун» сўзлари қўшилсин;

в) 4 ва 5-бандлардаги «бизнес» сўзи «тадбиркорлик» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Микрокредитлар нақд пулсиз шаклда берилади».